



Газета  
1918 йил 21 июндан  
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети,  
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

№ 152 (20.120) • 1988 йил 2 июль • шанба • Баҳоси 3 тийин.

## КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси иши ҳақида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференцияси Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида ўз ишини давом эттирди.

1988 йил 1 июль кунини эрталабки мажлисда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. А. Громико раислик қилди.

Доклад юзасидан музокараларда КПСС Москва область комитетининг биринчи секретари В. К. Месяц, СССР 50 йиллиги номи Волжск автомобиль заводи механика-йиғув ишлаб чиқариши шасси цехининг соловчи А. А. Мельников (Куйбишев области), СССР Табиатини муҳофаза этиш давлат комитетининг раиси Ф. Т. Моргул, «Знамя» жур-

налининг бош редактори Г. Я. Бакланов, армия қўмондониди Б. В. Громов, Смоленскдаги трикотаж фабрикасининг директори Н. К. Емелина, СССР ва Украина ССР Ёзувчилар союзи правленийларининг секретари Б. И. Олейник, СССР Фанлар академияси Жаҳон экономикаси ва халқаро муносабатлар институтининг директори Е. М. Примаков ўртоқлар сўзга чиқдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комитетининг раиси М. С. Соломенцев раислигида ўтган кундузги мажлисда доклад юзасидан музокараларда Молдавия Компартиясининг Марказий Комитетининг биринчи секретари С. К. Гроссу сўзга чиқди.

Музокаралар давомида Москвадаги махсус қотишмаларга ишлов бериш заводининг бригадир Ю. Ф. Сурков сўз берилишини сўради. У ихтиёрларига бериб қўйилган минбардан амалий нутқлар сўзлаш учун эмас, балки ўзларига тааллуқли сийқа ҳисоботлар бериш учун фойдаланаётган бир қанча нотиқлар шанига танқидий мулоҳазалар билдирди.

Сўнгра докладни муҳокама қилишда Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Қ. М. Маҳмамов, СССР халқ таълими давлат комитетининг раиси Г. А. Ягодин, КПСС Ростов область комитетининг биринчи секретари Б. М. Володин, СССР давлат қурилиш комитети раисининг биринчи ўринбосари — СССР министри Н. Е. Ельцин ўртоқлар қатнашдилар.

Қайта қуришни  
чуқурлаштириш  
йўлидан  
«КПСС XXVII съезди қарорлари қандай бажарилаётгани ва қайта қуришни чуқурлаштириш вазифалари тўғрисида» деган китобча босмадан чиқди. Китобчада М. С. Горбачевнинг 1988 йил 28 июль кунини КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференциясида қилган доклади берилган.  
Китобчани Сиёсий адабиёт нашриёти босиб чиқарди.  
(ТАСС).

## Москва, Кремль: ТАНАФФУСДАГИ СУХБАТЛАР

XIX БУТУНИТТИФОҚ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ  
ДЕЛЕГАТИ, «СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» МАХСУС МУХБИРИ НОМОЗ САЪДУЛЛАЕВ КОНФЕРЕНЦИЯ ЗАЛИДАН ХАВАР БЕРАДИ

Эрталабки мажлис тугади. Катта танаффус. Съездлар саройининг ҳамма қаватлари фойелари делегатлар билан тавжум: бировлар суҳбатлашяпти, бировлар баҳслашяпти, баъзилар эса конференция тафсилотларини ёзиб бораётган қўндалик дафтарларига яна нималарнидир қўшиб қўйишмоқда.

— Нималар ёзяпсиз? — сўрайман уларнинг биридан.  
— Таклиф ёдим, ўқиб берайми?

«Партия комитетларининг биринчи секретарларини келтириб келиш — умуман олганда маъқул. Аммо бу ерда ҳали баъзи масалалар чуқур ўйлаб қўрилиши керак. Жумладан, янги тартиб — партия сизларни Советларга рақибарликка (ётайлик) раёсонларда баъзи ҳолларда областларда ҳам) кўтариш йўлини тўсмаслиги керак». Бу ҳақда ҳозир конференциядаёқ келишиб олиниши лозим. Зеро ўтган йили январь Пленумида партиясизлар сиёсий ҳаётда катта роль ўйнаши зарурлиги масаласи жуда тўғри қўйилган эди.

Тожи ХАМРОБЕКОВА, Тошкент области, Янгйўл районидagi Калинин номи колхоз пахтачилик бригадаси бошлиғи.

Тожи опанинг ёнида қўсини Қўзайл Олдуз ордини беэаб турган ёшгина йигит диққатини торди. Делегатлар рўйхатида Афғонистонда жанг қилиб қайтган, ҳозир эса Низомиёй номидаги Тошкент давлат педагогика институтини тахсил қўраётган студент, борлигини эслади.

— Алибек Отахонов сизми?  
— Ҳа.

— Ёш коммунист сифатида партия сафарини тозалаш ҳақида бўлаётган таклифларга қандай қарайсиз?  
— Мен, масалан, партиянинг сафарини вақти-вақти билан тозалаш тўғрисидаги фикрга қўйиламан. Бироқ баъзилар таклиф қилаётганлик пенсиялар партия аъзоларини сифатидан қўйиб ташлаш — маънавийтамажиза тўғрисида келмайдими? Бу — ёш авлоднинг коммунистик руҳда тарбиялашдек муҳим сиёсий ишмига катта зарар келтиради, деб ўйлайман. Қолаверса, ветеранларга бўлган бундай муносабат инсонийликка тўғри келмайдими...

— Мен сўзга чиқиш учун рўйхатга ёзилдим, лекин навбат тегармикан? — Гапимизни булди Тошкент области Коммунистик районидаги «Правда» колхозининг сут соғувчиси Людмила Амон.

— Қайдам, — жавоб берди Алибек, — конференциянинг бошланганига тўрт кун

— Ҳа, айтишди. Бир ҳисобдан тўғри, айрим матбуот органлари ва журналистлар ўз хароладини баъзан тан олмишайпти, аниқроғи масъулият сезмашайпти. Маана ўша, «Советская Россия» газетасининг олинги. Унда эълон қилинган мақола ҳақида «Правда» газетаси редакцияси мақола берди, қанча муҳокамалар қилинди. Лекин мақолани тайёрлаган автор ва журналист конференцияга барибир ўз позициясини қўйишга ҳақлиқ, деб ҳақ қўйибди-ку? Чиндан ҳам улар уларнинг гўё қайта қуришни чинқанам тарафдорлари ҳисоблаб, партия органларини менсимай қўймоқдалар. Ҳа, партия ҳодимларини жамоатчилик билан қарам-қарши қилиб қўйишга бормоқдалар. Устига-устак, айрим газеталар ва журналлар маълум адреслардан фақат ноҳуш ҳолларини ёзиш тили билан банд бўлишяпти...

Қўнғироқ чалинди. Кенга мажлис бошланганига бир неча минутлар қолди. Съездлар саройида ўтётган катта умумпартиявий кенгаш неча тўртинчи иш кунига яқин ясади.

Кеча конференция ўз ишини тугатди.

## ОЧИҚ КОСМОСГА ЧИҚИШДИ

УЧУШНИ БОШҚАРИШ  
МАРКАЗИ. 30 июль.  
(ТАСС). Космонавтлар Владимир Титов ва Муса Манаров «Квант» астрофизик модули ренгте телекомпаниядан биринчи блок-детекторини алмаштириш мақсадида очик космик фазога чиқдилар. Совет, Голландия ва Англия мутахассисларининг биргаликдаги қарорига кўра, телекомпания ишлаш мўддатини узайтириш ва илмий тадқиқотларнинг самарадорлигини ошириш учун иш сифати ахширланган янги блок-детекторини ўрнатил назарда тутилган.

Бутун Москва вақти билан соат 9 дан 33 минут ўтганда Владимир Титов ва Муса Манаров станция ўтиш бўлмаган тўйунини очиб, очик космосга чиқдилар. Иш учун зарур бўлган усуллар ва асбобларини

Очиқ космосдаги иш натижалари тахлил этилмоқда.

Владимир Титов ва Муса Манаров очик космик фазода 5 соат 10 минут бўлдлар.

Космонавтларнинг сўхат-саломадлиги яхши.

## Ўзбекистон ССР Олий Советида

1988 йилнинг тўртинчи кварталда XI қақирқи Олий Советнинг саккизинчи сессиясини ўтказиш мўлжалланмоқда, унда Ўзбекистон ССР Олий судининг фаолияти тўғрисидаги ҳисобот муҳокама қилинади.

Шу масалани ўрганаётган Ўзбекистон ССР Олий Советининг Қонун лойиҳалари тайёрлаш комиссияси

## ДЕМОКРАТИЯ КЎПРОҚ БЎЛСИН, СОЦИАЛИЗМ КЎПРОҚ БЎЛСИН

30 июль кунини Кремлнинг Съездлар саройида КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси ўз ишини давом эттирди. Делегатлар жамиятини ва партияни демократиялаш проблемалари ҳақида гапириб, революцион янгиланишга барқарор тус бериш зарурлигини таъкидладилар, жамиятнинг сиёсий авангарди сифатида партиянинг янги роли ҳақида М. С. Горбачев олға сурган масалани чуқур ва принципиал муҳокама қилдилар.

Эрталаб соат 10. Раислик қилувчи Н. И. Рижков Ставрополь ўлкасидаги «Ставропольское» бройлер ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори В. И. Постниковга сўз берди.

Делегат мамлакат қишлоқ хўжалигида қайта қуришни боришига асосий эътиборни қаратди. У ана шу гоат муҳим социал масалага шунчаки тажрибали хўжалик раҳбари нуктаи назардан эмас, балки кенг кулабда, давлат нуктаи назардан фикр юритувчи коммунист, инсон сифатида ҳам ёндашди.

Залдагиларнинг кайфиятига қараганда, кўпгина делегатлар маъқуллайдиган ва қўллаб-қувватлайдиган фикр айтилди: фан ишлаб чиқаришга етарли даражада актив ёрдам бермаётир, уни қўллаб-қувватламаётир. Натижада бирлашма мутахассисларига кўпгина фойдали илгилчиларни матбуотдан билиб олишга, илгор методларни «ўз ақли билан» идор этишга тўғри келмоқда.

Балки шунинг учун ҳам хўжалик ҳисоби амалда қўлланганди чуқур ва самарали жорий этилмаётганлиги. Вақолонки, худди шу хўжалик ҳисоби кооперация тўғрисидаги Қонун, меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг пулрат усуллари билан биргаликда мамлакат фуқароларини қайта қуришни социал программасида эъза тутилган даражага олиб чиқиши мумкин.

Делегат кооперация тўғрисидаги Қонун қишлоқ хўжалигидаги барча корхоналарда ҳам амал қилинсин, деган таклиф киритди. Нотиқнинг фикрича, шу тарзда меҳнат соҳасидаги беллашува илгаринга қараганда анча яхшироқ имкониятлар туғилди, ишчи юксак пировард натижаларга қаратилиш мумкин бўлади.

да фермер — жамиятдаги асосий сиймодир, чунки у элни боқди, деди нотиқ.

Илгари сўзга чиққан кўпгина делегатлар сингари хўжалик раҳбари ҳам конференция минбаридан туриб моддий ишлаб чиқариш ишларига «юқоридан» ва «четдан» ҳар қандай аралашувларни тўхтатиш пайти келганлиги ҳақида манфаатдорлик билан гапирди. Бу жиҳатдан бройлер бирлашмасининг намунаси характерлидир. У ўн уч йил муқаддам тузилиб, ўша пайтдаёқ тажрибали раҳбарнинг ишчи-хўжалик раҳбарининг гарови деб билади. Корхона ҳозир қудратли ишлаб чиқариш базасига эга, унинг ўз ташқи савдо ташкилоти, ўзининг бақувват счёти бор. Жамиятнинг демократиялаш корхонадан бошлангани керак, деди делегат.

У принципаал масала устида тўхталиб ўтди: давлат ҳозир асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотини эмас, балки хом ашёни тайёрлаш билан шугулланмоқда. Бу тўғри эмас, кўпгина исрофгарчиликларнинг манбаи ҳам ана шунда. Баъзи хўжаликлар хом ашёни яқин орадаги комбинатга «ошириб юборишга» интиляётганликлари тасодифий эмас, у ёғи билан уларнинг иши йўқ. Қайта ишлашни ривожлантиришни, тайёр қишлоқ хўжалик маҳсулотларини савдои маданиятини оширишни бутун чоралар билан рағбатлантириш зарур. Бу эса жуда катта иқтисодий самара беради, деди делегат ва фикрини ўз хўжалиги практикасида олинган мисоллар билан мустаҳкамлади.

Аммо бу проблемани ҳал этиш йўлида, деди у, Савдо министрлиги тўсиқ бўлиб турибди. Хилма-хил ташкилотлар, идоралар, қўлдан-қўл қозғаландан ташқари ҳеч нарса яратмаган ҳолда одамлар ишлаб топган ва ўшаларга тегишли бўлган пуллари талаб қиладилар. Бюрократизмининг, қайта қуришга қаршилиқнинг ҳақиқий башараси ана шундай, деди нотиқ. Залдагилар уни қарсаклар билан қўллаб-қувватладилар.

Делегат бюрократлар корхона тўғрисидаги Қонун кучга кирган дастлабки кунлардаёқ давлат буюртмаси гоёсининг ўзини бузиб, қонунни «обурисилантирдилар. Қайта қуриш учун курашмиш ва кимга қарши курашганлигини кўриб туриш керак. Қайта қуришга қарши кишилардан шах-

сан холи бўлиш зарур. Шу муносабат билан В. И. Постников бундай деди:

Михаил Сергеевич биз сизни биламиз, сиз табиятан инсонпарвар одамсиз ва уларни ана шу усуллар билан, тарбияламоқчи бўласиз. Уларни лавозимларидан маҳрум қилиш, аста-секин пенсияга чиқариб юбориш керак.

М. С. Горбачев: Виктор Иванович, келинг, бу хусусда гувоҳлар олдига гаплашиб олайлик (Кулги). Сиз Михаил Сергеевични бир оз соддадил одам деб тасаввур қилдингиз. Ўйлайманки, атар Марказий Комитет сизнинг ёнигизда ишлаётган, Ставрополь ўлкасида, ёки ҳатто сизнинг бирлашмангизда, балки ундан сал юқорироқ жойдаги, Россия Федерациясидаги ёки ана бошқа бирор жойдаги бюрократни ишдан олиб ташлаш бошласа, иш юришми қолади. Бида бундай аҳвол илгиларини бўлиб ўтган. Биз юқоридан туриб кўпгина ишларни қилишга интилдик. Бундан ҳеч нарса чиқмади. Бутун биз иқтисодий ислохот орқали, сиёсий система ислохоти, маънавий соҳани соғломлаштириш орқали, оммавий ахборот воситалари орқали бутун жамиятнинг олға силжитишга ҳаракат қилдик, ана шундай қилсак бюрократ қочиб қўтуладиган жой қолмайди. У ўзини қаерга қўйишни билмай қолади. У худди ана шу нарсадан қўрқади. Бошқилар билан эса у хоҳлаган пайтда да тил топа билмади. Ўн, йигирма йил давомида бўлганидек, яқин арава далил келтиради ва сени таслим қилишга аришади. Шу сабабли гап яқин бўлишда, ҳаммага ёқибди эмас. Сиёсий йўлни халқ манфаатларини, социализм манфаатларини қўллаб, ҳамма нарсаларга халқнинг ўзини жаоб қилиб олиб бориш керак. Халқ ҳаммаи тезда ўз жойига қўйиб қўяди. Бутун конференцияда муҳокама қилинаётган механизм қабул қилинса, иш худди шундай бўлади (Қарсаклар).

В. И. Постников: Сиз мени фикримдан қайтардингиз, шу сабабли сизим тамом (Кулги, қарсаклар). Свердловск областидagi В. И. Ленин номи Нийжний Тагил металлургия заводи станцининг оператори В. А. Яриш жўшқин нутқ сўзлади. Давлат корхонаси тўғрисидаги Қонун эълон қилинди, лекин масалан, бизнинг заводимиздаги аҳвол ҳатто ёмонлашганини кўрсатган жонингиз ачинади, деди у. Фойдали илгари қандай ошпаётган бўлса, худди шундай олиб қўйишайтир. Натижада бу йил комбинат учун маб-

лағлар ўтган йилдагидан камроқ бўлди, вақолонки у яхшироқ ишлаган эди. Уй-қий қуришга эса умуман маънайдан бир хисса қамайди. Давлат буюртмаси бу йилта ҳам, келгуси йилта ҳам яна завод қўвватидан юқорироқ қилиб белгиланди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг лозқал бир қисмидан фойдаланиш хусусида ваъда қилинган мустақиллик қаерда қолди?

Дардинг бошқа бир томонга турмушга оид. Ишчи-лар тўғридан-тўғри бундай дейишяпти: қайта қуриш қани ўзи? Масалан, озиқ-овқат магазинларида аҳвол қандай бўлган бўлса, шундайлигича қолаётир. Бунинг устига қанд-шакарга талон жорий қилинди. Гўшт йўқ эди, ҳали ҳам йўқ. Сановат товарлари умуман қаёққадир гумдон бўлди. Мени тўғри тушунишлар, деб давом этди нотиқ, мен бу гапларнинг ҳаммасини вазиятни жиддийлаштириш учун эмас, балки ишчилар, барча одамлар қалбидagi дардин делегатларга етказиш учун айтияман.

Мен гапни дарддан бошладим. Аммо дард билан умид ҳаммаи ёнма-ён бўлади. Шу сабабли амалда ҳар бир учрашувда конференциядан умид издор қилинди шекилли. Қўп нарса, қандайдир бир алоҳида нарса қўйилган. Хўш, биз конференциядан нимани кўтилимиз?

Бизнинг бирдан-бир йўлимиз партия XXVII съездин белгилаб берган йўлдир. Конференциянинг асосий вазифаларидан бири — ҳаракатларнинг аниқ тактикасини ишлаб чиқишдан иборат бўлиши керак. Кези келганда шуни айтиш керакки, Тезисларда тактика тўғрисида бирорта ҳам сўз йўқ. Бутун ақлоқ тарзда устун турган эътиборга сазовор жиҳатларни аниқ белгилаш, марраларни, муддатларни аниқлаш, маъсۇл кишиларнинг нўмларини айтиш, Марказий Комитетдан белгиланган режаларнинг қатъий ва жиддий равишда амалда оширилишини талаб қилиш керак. Балки бу масалага партия Марказий Комитетининг махсус Пленумини бағишлаш маъбул бўлар.

Ишчи бундай таклиф киритди: министрликлар ва идоралар биринчи раҳбарларининг бевосита меҳнат қол-лективларида, партия ташкилотларида мунтазам равишда (ёки коллективлар-

нинг талаби билан) ҳисобот бериб турашлари амалда жорий этилсин. Партия ташкилотларида партия Марказий Комитети аъзоларининг ва Сиёсий бюро аъзоларининг ҳам ана шундай ҳисоботлари ўтказилсин. Учрашувлар пайтида одамлар тўғридан-тўғри бундай демоқдалар: биз Сиёсий бюронинг ҳар бир аъзоси шахсан нима учун, қандай масалалар учун маъсۇл эканлигини билмаймиз. Ким ишни қандай олиб бораётганлиги, муваффақиятлар учун конкрет кимга миннатдорчилик билдириш ва ишнинг барбод қилинганлиги учун кимдан жавоб сўраш кераклиги ақлоқ бўлиши учун халқни бундан хабардор қилиш керак.

Нотиқнинг таъкидлашича, Тезисларда меҳнатнинг ҳал қилувчи роли ҳақидаги асосий фикр сойда қолиб кетган. Бу фикр матбуотда ҳам сойда қолмоқда. Бизга ҳеч ким ҳеч қандай неъмат инчум қилмаслиги, бизнинг умумий меҳнатимизга фаворонлиқнинг бирдан-бир гарови эканлиги ҳақида ёнмишдан кўра кўпроқ хатоларни фож қилиш ҳақида ёзаётирмиз. Ишчилар синфининг вакили партиянинг бутун идеология аппарати, бутун матбуот қўйидаги фикр билан сугорилган бўлсин деб даъвий этди: қайта қуришнинг асосий моҳияти «социализм кўпроқ бўлсин!» шioriдагидан эмас, балки «биз энди илгаридек ишлашимиз мумкин эмас!» деган шпордан иборат бўлиши керак. Залдагилар бу сўзларни қарсаклар билан кутиб олдилар.

Нотиқ қабул қилинаётган қарорларнинг қўлиги, уларни амалга оширишда қатъийнинг йўқлиги, ҳамма масалаларни бирдангиз шомшапарлар билан ҳал этишга интилиш қўпгина тўғридан-тўғри хатоларга олиб келаётганлиги сингари масалани ҳам кўтарди. Масалан, винолаш, маъсۇл кишиларнинг нўмларини айтиш, Марказий Комитетдан белгиланган режаларнинг қатъий ва жиддий равишда амалда оширилишини талаб қилиш керак. Балки бу масалага партия Марказий Комитетининг махсус Пленумини бағишлаш маъбул бўлар.

Ишчи бундай таклиф киритди: министрликлар ва идоралар биринчи раҳбарларининг бевосита меҳнат қоллективларида, партия ташкилотларида мунтазам равишда (ёки коллективлар-

нинг талаби билан) ҳисобот бериб турашлари амалда жорий этилсин. Партия ташкилотларида партия Марказий Комитети аъзоларининг ва Сиёсий бюро аъзоларининг ҳам ана шундай ҳисоботлари ўтказилсин. Учрашувлар пайтида одамлар тўғридан-тўғри бундай демоқдалар: биз Сиёсий бюронинг ҳар бир аъзоси шахсан нима учун, қандай масалалар учун маъсۇл эканлигини билмаймиз. Ким ишни қандай олиб бораётганлиги, муваффақиятлар учун конкрет кимга миннатдорчилик билдириш ва ишнинг барбод қилинганлиги учун кимдан жавоб сўраш кераклиги ақлоқ бўлиши учун халқни бундан хабардор қилиш керак.

КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, М. В. Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг ректори А. А. Логунов тўб иқтисодий ислохотини изчиллик билан ўтказиш зарурлиги хусусида тўхталиб ўтди. Бу иш, деди у, олдий иш эмас, чунки бизнинг иқтисод фаниниз жамиятнинг ҳозирча назарий ечимлар билан бойита олгани йўқ. Министрликлар ва идоралар ислохотини ўтказишни таъминлай олмаётирлар ёки бунни истамаётирлар. Бунинг маъноси шунки, юқори давлат органлари халқ хўжалигидаги жараёнларни тўла-тўқис бошқара олмайди. Партия, унинг раҳбар органлари бу масалаларни диққат марказида тутишлари керак. Экономиканинг тўб ислохоти — оғир вазифа, лекин партия жамиятда бу вазифани ҳал эта оладиган бирдан-бир сиёсий кучдир.

Қайта қуриш — ягона йўл бўлиб, бундан ўзга йўл йўқ. Баъзи жойларда қайта қуришни ҳўмоқ қилиш керак, деган гаплар эшитилаетир. Юзани қараганда, қайта қуриш ҳақида табиий тахминларнинг қўлияти-ку, амалда эскиликка қайтиш, ибтидоий тарзда фикрнинг бир жойдан қийишга интилиш намоён бўлаётир. Вақолонки, қайта қуриш ҳар бир киши психологиясининг ўзгаришидир, психология эса, афсуски, сустанлик билан ўзгараётир.

Муҳокама, ҳатто жиддий муҳокама ҳам бизнинг консерватизм ва фикрларнинг бир хиллигига қарши қўроқлиқдир. Нотиқ партия ички турмушини демократиялашга қаратилган конкрет таклифлар киритди. Хусусан, Марказий Комитет аъзоларини вужудга келадиган проблемаларни, шу жумладан масаласини доимо муҳокама қила оладиган ва ҳал этиш учун ўртага қўя оладиган регионлар ва йўналишлар бўйича секциялар ташкил этиш таклиф қилинди.

(Давоми кийинки бетда).



Ижрокомининг раисиди ташқари, унинг ҳамма аъзолари депутат бўлмасликлари керак. Бу — Совет ўзини тайинлайдиган, унинг қарорларини бажариши лозим бўлган кабинетдир.

Советнинг иши жонланиб кетиши учун эса унинг обрў-йили партиянинг обрўини билан мустаҳкамлаш керак.

(Давомия учинчи бетда)



семинар конференциядаги доналар хусусида мулоҳаза юзотди, делегатларнинг ўзларидан, асосан, чуқурларнинг тинглари эканлиги, агар биров миз ушбу конференция қайта қуришга янгича жадаллатишга баришга, демократиялаш ва янгиланиш йўлида жамиятга янада кенгроқ уфқ очиб беради, деб қатъий ишонгани. Бизнинг халқимизда «Хорманг» деган чуқур мазмунли лўндагина сўз бор. Ана шу сўз билан одамлар улкан вазифаларини бажаришда ва хайрли ишларда бир-бирларини қўллаб-қувватлайдилар. Шундай қилиб, қайта қуришни қийин йўлда ҳорманглар, асли де



# КПСС XIX БУТУНИТТИФОҚ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

## ДЕМОКРАТИЯ КЎПРОК БЎЛСИН, СОЦИАЛИЗМ КЎПРОК БЎЛСИН

(Давоми. Бош 1-, 2-, 3-бетларда).

Қишлоқ меҳнатчиларининг қартираларини ҳозир худди шаҳардайдик: водопровод, канализация, иссиқ сув таъминоти билан қуриш керак. Садо корхоналарини моллар билан таъминлаш ҳам аҳлишларига муҳтож. Бу муаммоларнинг ҳал этилиши ёшларнинг қишлоқда қолишига кўмаклашади. Ана шу барча вазифаларни ҳал этиш билангина Озбек-оқат программасини муваффақият билан бажариш мумкин деди делегат.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишоновга сўз берилди. (Ўртоқ Г. Н. Нишоновнинг нутқи газетанинг шу сонда эълон қилинмоқда).

Рансик қилувчи президиумга делегат Мамаевдан тушган хатни делегатларнинг қараскари остида ўқиб берди. У шундай деб эъди: «Андрей Андреевич Громико ҳал қарорда ва партияда ҳурматли киши, унинг ҳаёти ва фаолияти бизга бағишланган. Биз, халқ, коммунистлар эса унинг елкасига навабзатда юкини ортдик. «Ким торта олса, ўшага ортавер» деган ақида бу сафар ҳам ўз кучини кўрсатди. Ахир биз уни толиқтириб қўйдик. Бугунги кунда ўртоқ Громико ҳаётдан орқадан қолди. У ўз ишини қилиб бўлди, унинг олжаюю ишлари халқ ёнда сақланмоқда. Бир кишини ўйламай-нетмай ранжитиш яхши эмас. У халқ орасида ҳурматга ва меҳр-муҳаббатга сазовор».

Қайта қуришнинг тақдирини, демок, партия билан мамлакатнинг тақдирини ҳам шу залда ўтирган ҳар бир кишининг қўлига десак муволажа бўлмайд, деди КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, «Известия» газетасининг бош редактори И. Д. Лаптев. Гап аслини олганда, тақдирлар даҳлдор иккита масала ҳақида-жамиятимиз таракқийнинг ҳозирги босқичини керак, совет ҳокимияти қандай бўлиши кераклиги ҳақида бормоқда.

Агар биз биринчи секретарь ишига назар ташладиган бўлсак, деди нотиқ, ана шу сиёсий раҳбар ҳар кун ва ҳар соатда айна вақтда қўллаб қўйишда намоён бўлаётганини кўрашим. У-ҳам таъминотчи, ҳам молчи, ҳам агроном, ҳам тайёрловчи, психотерапевт, бинокор, бюрократ ва айна вақтда бюрократизмга қарши курашчидир. Иш кунини давомидан у қандай вазифаларни бажармаслигини айтиш қийин. Бу эса партия кўп ишлардан давлат ташкилотларининг ҳам, совет ташкилотларининг ҳам, бошқа ташкилотларининг ҳам ишини қилмаётганидан, уларнинг вазифаларини ўз зиммасига олганлигидан иборат фактнинг ишқисидир. Айна вақтда партия меҳнаткашларнинг уларга нисбатан барча даъволарини ҳам ўз зиммасига қабул қилган.

Мана бугун, деб ўз фикрини давом эттирди нотиқ, биз илҳотат партия ана шу ҳар томонлама ҳисса-қисрасиз ролни бундан бўён баҳара олмайди, деб айтди. Шу сабабли партия бошқариш учун тузилган аппаратни эиди совет, давлат ва ҳўжалик органларига топириши мумкин. Аммо ана шундай шароитларда партиянинг ўзи қандай бўлади?

Менинг фикримча, деди нотиқ, биз муҳокама қилмаётган айна шу ечимлар партияга ўзининг дастлабки ролини — Ленин учта атаган ролни қайтариш имконини берадики, Ленин партияни худди ана шу ролни бажариш учун тузган эди. Партия жамиятнинг чинакам маънавий раҳбарига айланади. У сиёсий стратег, сиёсий тарбиячи ва миллионларнинг устози бўлиб қолади. У ўзини энг яхши маънодаги идеолог ролини қайтариб олади. Партия ижтимоий

онинг эгаллаб, унинг ривожланишига ёрдам беради ва ана шу онг орқали ўзининг раҳбарлик ролини амалга оширади. Бу рол эса партия бутун бажарган ролга қараганда кўп даражада ороўроқ, кўп даражада юқорроқ ва таъсирчанроқ бўлади. Шу билан халқ қалбига етиб боришинг энг самарали йўллари очилади. Шундай қилсак, конференция партия ва мамлакат ҳаётида қарикатан ҳам тарихий марра бўлиб қолади.

Нотиқ Советлар қандай бўлиши ҳақида мулоҳаза юритиб, шунини айтдики, партия ташкилот раҳбари билан Совет ҳокимияти органи раҳбари вазифаларининг бirlaштирилиши бизларга, илҳотат, ҳар бир региондаги ишларнинг аҳоли учун шахсий масъулият талаб қилиш имконини беради, регион эса аҳоли, жамоатчилик олдида ҳисобот бериб турадиган, партия комитети панасига яширинга олмайди-ган ҳўжалигига эга бўлади. Демократизмда шундай эа иборат бугун иш учун бу тақлифинг аҳамияти бебаҳад. Бу-жуда улўвор тақлифдир. Унинг Ватан тақдирини учун голий-сийсий аҳамияти бекиёс катта. Делегатларнинг ҳаммасини шу тақлифини қўллаб-қувватлашга ва партия раҳбариятига қабул қилинган қарорини амалга оширишни топиришга қараман.

«Известия»нинг бош редактори қайта қуришда оммавий ахборот воситаларининг ролига ўз муносабатини билдириб, бундай деб таъкидлади: бу сизларнинг иш қурулгиларидир, партия ҳодимлари бўлган ўртоқлар. Бу — сизларнинг халқ билан алоқа воситаси ва халқ оmmasининг партия комитетлари ҳамда барча ҳокимият органларига фаолияти устидан назорат қилиб туриш воситасидир. Бу — халқ ушбу демократиямиз ютуғи, халқда ҳақиқатга, социал адолатга ишонч бағишлаган, унинг руҳини кўтарган, халқнинг партияга ишончини мислсиз даражада мустаҳкамлаган кўчдир. Биз сизлар билан бирга битта ишни қилмаётимиз, деб таъкидлади нотиқ. Биз сизлар билан ошқораликни қарор топтириб, қайта қуриш манфаати йўлида ишлайётимиз. Худди шу йўлда бизларда бундан бўён ишлаш, ақил ишлаш имконияти бор.

И. Д. Лаптев нутқини тугаллар экан, агар биз конференция қабул қилдиган резолюцияларни кўнларга кўтариб мақташ, улардан ҳайратланган йўлдан борсак, уларни қайта изох қилиш йўлидан борсак, бунинг учун жуда кўп вақт кетадди, деди. Биз конференциядан кейин дарҳол ана шу резолюциялар руҳида ишлаш бошлашимиз керак.

Иттифодлар республикалар ЛКСС Марказий Комитетлари, ВЛКСМ ўлка ва област комитетлари биринчи секретарлари бўлган бир қатор делегатларнинг илтимоси муносабати билан М. С. Горбачев умумий сиёсий резолюцияда ёшлар тўғрисида махсус банд аниқлаш ҳақидаги масалани кўриб чиқишни тақлиф қилди.

Делегатлар ақдллик билан розилик билдирадилар. Рансик қилувчи В. И. Воронников «Кўз микрохрургияси» тармокларро илмий-техника комплексининг бош директори С. Н. Федорова сўз беради. Революциямиз ҳақидаги фикр, революция қўйган вазифаларни бажаришга биз ақиллаштираемиз, деган фикр менга тинчлик бераётди, деб таш олди у. Революциянинг бош вазифаси эса халқ яратётган бойликларини адолатли тақсимлашдир. Агар тақсимот адолатли бўлса, демок одамларда ишлашга рағбат, ташаббус бўлади. Бинобарин, жуда юксак меҳнат унумдорлигига эришилади.

Аммо, деб таассуф билдирди нотиқ, бу бош вази-

фа иқтисодий системамизга монанд келмаёткири, мазкур системага 30-йиллардаёқ тақдирланган тариф ставкалари асос қилиб олинган. У меҳнатга қараб тақсимлаш принципини рад этди. Яхши ишлабисим, ёмон ишлабисим, натижаси деради бир хал. Биз реал ҳўжалик ҳисобига ўтганимиздан кейингина мен ўз қадримни билиб олдим.

Нотиқ ўз комплексис мисолида ҳўжалик ҳисоби сингари оддий меҳанизмининг го-ят таъсирчан эканлигини исботлади. Коллективга тўла ҳўжалик ҳисоби ва ўз харажатларини ўзи қоплаш, чет эл бозорига чиқиш ҳўмуқи беришдан бери ўтган бир ярим йил ичиде совет кишилари — меҳнаткаш, ақли расо кишилар эканлигига ва ўзларига тегишли нарсаларини ўтирла-масликларига ишонч ҳосил қила олдик.

Конференциямизда, деб давом этди делегат, биз сиёсий қўрилдан ҳоли бўлишга интилаймиз, аммо оддий, инсоний кўзи оқиз-лаб ҳам мавжуд. Одамларни ана шу дарадан ҳоли қила олишлари учун врачлар бизга тегишли бўлган зарур ишлаб чиқариш қурулгиларига эа бўлишлари керак. Карл Маркс айтган эдикки, ишчи ишлаб чиқариш воситаларига эа бўлган тақдирлагина эа бўлиши мумкин. Тариф ставасидан воз кечиб комплексимизнинг яхши врачларига нормал ҳақ кечир-иш, кўп пул топиш, марок-луш, кўп пул топиш, марок-луш ва маданиятларроқ яшаш имкониятини берди. Натижада улар янада яхши-роқ ишлаш бошладилар. Жу-да катта ҳажмдаги ишни э-лаш учун янги врачлар тай-ёрлашга, янги клиникалар очишга берилиб кетишининг ҳожати йўқ. Бу ишни меҳ-нат унумдорлигини ошириш ҳисобига бажариш мумкин. Врачмиз иш ҳақида сарф-ланган ҳар бир сўм 3.5 сўм фойдага келтираётди, деди нотиқ. Асосий инвестиция иш-лаб чиқаришни кенгайтириш-га эмас, балки инсонга қар-ратилиши керак, деб якун чиқарди нотиқ.

Биз социализмининг асо-сий мақсади бўлган шахсе-нинг ҳар томонлама камол-отида интилимиз керак. Ўз идеологияси жиҳатидан юқоридиқ турадиган шахс камолотида эришмоғимиз ке-рак. Бу иш билан эса пар-тия шугулланиши лозимки, уни нихоси бўлмаган ҳўжа-лик ташвишларидан ҳоли қилиш керак. Баъзи киши-лар корхоналарини янги иқ-тисодий асосда қайта қу-риш учун бизда раҳбарлар етарли эмас, деган хавфга бораётдилар. Шу қадар кат-та халқда раҳбарлар етиш-маслигига ишончи қийин.

Нотиқ демократия ва ош-қоралик ҳақида гапириб, давлат халқ ҳокимиятисиз яшаш олимаслигини таъкид-лади. Сайлов пастдан юқори-гача бўлиши керак. Одамлар алмишиб турилиши, раҳбар-ликка ёшлар жалб қилини-ши зарур. Ошқораликсиз ҳам яшаб бўлмайди. Энг кат-та иллат — халқнинг ўзига ва юқори лавозимдаги ўртоқ-ларига ҳақиқатни айтишдан қўриқилиши. Аммо қоралаш-ларга ва доғ туширишларга йўл қўймасдан чин ҳақиқат-ни айтиш керак. Ҳаракатла-римизнинг меэони одамлар-нинг бахт-саодатидир.

Тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитетининг раиси Г. А. Боровик ўз нутқида совет жамиятида ўртоқлик ва ватанпарварлик туғула-рини тарбиялаш зарурлиги ҳақида гапирди. Бир миллат-ли ватанпарварликка қақи-риқлар эшитилаётганлигидан огоҳ бўлишимиз керак, де-ди у. Гўё қозоқлар ўз ва-танпарварликларини, молда-ванлар ўз ватанпарварлик-ларини ривожлантиришлари керак эмни. Гўё сизларнинг қадриятларингиз бошқа эмни. Баҳоликни, халқларнинг бир-бирига ҳурмати — мада-ниятлик муносабатларининг фа-кат эи биринчи, энг қўйи босқичи ҳолос.

Нотиқ делегатларга бун-дай деб мурожаат қилди. Ҳар қандай миллатнинг ма-даният ёдгорликларини қай-

та тиклашга таъмирчилар-нинг интернационал брига-да-сини юборишни қонда қилиб олсак бўлмасмикан? Шунда ҳар бир миллатнинг маданий бойликларини умумий бойли-гимизга, бутун совет халқи-нинг бойлигига айланади. Акс ҳолда Арманистон ва Озарбайжондаги воқеаларга ўхшаб вазиятлар вуждуга келадикки, уларнинг тажри-баси бизларга зиёлилар-нинг айрим нақиллари, та-рихчилар ва ёзувчилар бир халқни иккинчи халқ ҳисо-бидан улўғлашни ўзларини бериш бош вазифалари деб ҳисобласалар, улар нақадар муҳиди рол ўйнай олишла-рини кўриб турибмиз.

Нотиқ одамларнинг ў-миш йиллардаги воқеаларга қизқишларини ортиб бораёт-ганлиги ҳақида гапириб, шу-ни таъкидладики, Ватан та-рихида ҳам фожиали, ҳам шармандалар, ҳам аюбий бўлган қўллаб саҳифалар бор. Лекин буларнинг ҳам-маси — бизнинг умумий био-графиямиздир, бинобарин, бу ҳақда бутун ҳақиқатни айтиш, лекин ана шу ҳақи-қатга ҳўрмат билан муноса-батда бўлган ҳолда, заҳар-хандасиз айтиш керак. Кон-ференцияда кўпгина киши-лар ошқораликдан одамни ҳақорат қилиш учун, қасос олиш учун фойдаланиш яра-маслиги ҳақида гапирдилар. Аммо бугун миллатлар, халқларга нисбатан бундай қилинишга йўл қўймаслик юз қарра муҳирмондир.

Нотиқ жамиятнинг хабардор қилиб қуриш система-сини такомиллаштириш зарурли-гини батафсил далиллар асо-сида исботлаб берди. Халқ-нинг нотўғри ёки тўла бўл-маган ахборот олишдаги ҳар қандай имкониятлар йў-лига тўсиқ бўладиган ишон-чи меҳанизми яратиш ке-рак, деди у.

«В. И. Ленин номидаги Челябинск трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлам-син партия комитетининг секретари делегат В. М. Платонов халқ ҳўжалигини қайта қуриш масалалари коммунистларни, барча со-вет кишиларини ҳаёлонла-тираётганлигини айтди. Бу табиий бир ҳолдир, чунки бақувват экономика — жа-миятнинг адалатга ошири-лашга ўзгаришлар барқа-дорлигининг шартларидан би-ридир.

Кейинги икки йил ичиде бирлашмада кўп нарсалар яхши томонга ўзгариётди. Нотиқ шу ҳақда батафсил гапириб берди. Жумладан, деди у, махсулотнинг барча турлари янгиладан, бошқа қўрсаткичлар ўсиши ҳам ёмон эмас. Аммо коллектив еришларини ютуқлар билан қаноатланмаётди. Аксинча, коммунистлар, барча меҳ-наткашлар олга янада ишонч билан ҳаракат қилишга ни-ма тўсиқ бўлмайди? — деган саволни доимо ўз олди-ларига қўйишлар.

Делегат вазиятни таҳлил қилиб, иқтисодий илҳот-тининг тугал эмаслигини, бу нарсга давлат закаазларнинг ортиқча бўлиблганлигини, ишлаб чиқаришнинг «юқо-ридан» келаш йўлининг уринишларда намоён бўлаёт-ганлигини таъкидлади. Ҳў-жалик алоқалари заифлашиб қолди. Бу эса меҳнат кол-лективларини ҳақли равиш-да ташвишга солаётди. Чун-ки, шартнома мажбуриятла-ри хавф остида қолаётди. Молия меҳанизми сустла-шди билан қайта қурилатири. Делегат айтган тақлифлар орасида давлат корхонаси тўғрисидаги қонунга риюя қилишнинг ҳуқуқий гаран-тияларини ҳамда уни бузув-чи ҳақда қарши чораларни белгилаш ҳақидаги тақлиф ҳам бор эди.

Делегат партия ташкилот-ларининг иши хусусида ай-нича батафсил тўхтади. КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель пле-нумидан кейин тўпланган тажриба партия ички маса-лаларининг кенг муҳокама қилиниши, долзарб масала-лар ҳақида одамлар билан ҳалол, очик гаплашиш — барча муаммоларни ҳал этиш қалиги эканлигини кўрсатди, деди нотиқ. Аммо айна вақтда бир қатор коммунистлар ва пар-тия активлари бир қисми-нинг одамлар билан мусо-

хаба олиб боришга, уларни илҳотиниришга тайёр эмасли-ги ва бу ишни қила олмаёт-ганликлари аниқланди. Бир қатор коммунистлар бу ва-зифани бажаришга қодир эмаслар, чунки уларнинг обрўлари йўқ. Янги шароит-лар партия ташкилотлари ишининг янги формаларини ҳам талаб қилмоқда.

Шу муносабат билан деле-гат партия матбуотига нис-батан бир қатор даъволарни айтди. Матбуот, унинг фик-рича, бошлангич партия ташкилотлари ишига кўпроқ эътибор бериши, ҳозирча бажариш қийин бўлган иш-лар ҳақида ҳадеб ёзавер-масдан, конкрет яхши таж-рибани кунт билан қидириб топиши ва қўрсатиши ке-рак. Бу жуда керакли на-рса.

Делегатнинг фикрича, партия аппаратининг, шу жумладан, унинг Марказий Комитет, област, шаҳар ко-митетлари сингари бўғинла-рининг иши ҳам қайта қу-риш суруятларига монанд келмаётди. Хусусан, делегат-нинг фикрича, давлат кор-хонаси тўғрисидаги қонунни тайёрлаш ва муҳокама қи-лиш билан бир пайтда Мар-казий Комитет бўлимлари ўзгаришдан шароитда қан-дай иш олиб бориш ҳақида бошлангич партия ташкилот-ларига тавсиялар тайёрла-шлари керак эди. Аммо бун-дай қилинмади. Шу сабабли кўпгина тажриба ўтказиш ва хатоларга йўл қўйиш усу-лидан фойдаланишга тўғри келмаётди. Партия аппарати бошлангич партия ташкило-тига қўллаб ишлатиш лозим.

Делегат област комму-нистларининг фикрини инфо-далаб, партия уставига бош-лангич ва бошқа маҳаллий ташкилотларга аъзолик вэносларидан ва бошқа иш-латда топишган маблаглардан тушумларининг бир қисмидан ўз фаолиятини маблаг бил-лан таъминлаш ва маош олиб ишлайдиган аппарат хара-жатлари учун фойдаланиш ҳуқуқини берувчи банд ки-ритишни тақлиф қилди.

Кейинги уч йил ичиде қўллаб қарорлар қабул қили-наётди, ҳал этилмаган му-аммолар сови эса қилинган ишларга қараганда бекиёс қўйилиб бораётди, деб ҳи-соблайди «Йнгулалмаз» иш-лаб чиқариш-илмий бир-лашмаси 12-саралаш фабри-касининг оператори О. М. Захарова. У конференция минбаридан айтилган фикр-ни, яъни асосли, конкрет қарорлар қабул қилиниши ва уларнинг бажарилиши учун гоят жиждий талабчан-лик қилиниши керак, деган фикрни қўллаб-қувватлади.

Бугунги кунда партия турмушининг асоссиз равишида мафийлаштиришга йўл қў-йилмаслиги ҳақида кўп га-пирилатири. Масалан, Мар-казий Комитет Пленумлари нинг материаллари эълон қи-лимаётди. Делегатнинг фик-рича, жамоатчилик ўрнати-да катта қизиқиш туғдирув-чи нутқлардан меҳнаткашлар хабардор қилинишлари ло-зим. Биз нимадан қўрқамиз? Совет кишилари ҳақиқат қилинган томонда эканлигини ҳаммиша аниглаб оладилар. Улар янгиладан сиёсийоти, социализмининг ленинча принципларига қайтиш сиё-сатини қизгин қўллаб-қув-ватлаб, бунини амалда исбот-ладилар.

Бизнинг партиямиз мам-лакат учун энг оғир пайт-ларда ўз авангардлик рол-ини амалга оширишга, халқни жишлантириб, ўзини эргаш-тиришга қодир эканлигини бир неча бор исботлади. Пар-тияда энг муҳим масалалар юзасидан доимий муноза-ралар олиб борилиши керакли-ги, фикрларни қислаш асо-сида тўғри қарорлар қабул қилиниши кераклиги бошқа бор. Бунинг учун оддий иш-чидан тортиб то ҳокимият-нинг юқори бўғини вакилла-ригача бўлган ҳар бир ком-мунистга телевизор орқали минбар бериш зарур.

Нотиқ сайлаб қўйилганлигидан ҳар қандай даражадаги пар-тия лавозимларини, ҳатто «истисно тарикасида ҳам» уч-муддат давомиде ағталаш имконияти ҳақидаги тақлиф-га қўйилмаслигини айтди. то

Марказий Комитетгача бўл-ган партия комитетларининг секретарларини сайлаш, унинг фикрича, алоҳида, яширин овоз бериш йўли би-лан ўтказилиши лозим.

Партияга қабул вақтида разнарядка юбориш тарти-бига барҳам бериш пайти келди. Шундай қилинса, са-ми физикга қайта қуриш учун ҳақиқий қурашчилик келиб қўйилди. КПСС сафига қа-бул қилиш вақтида партияга қираётган одам ишлайётган коллективнинг характери-стикасини албатта ҳисобга олиш лозим.

Нутқда партияда аттестаци-яга ўтказиш масаласининг қўйилганлиги қўллаб-қув-ватланди. Аммо, деди нотиқ, бу масалага жуда жиддий ён-дарш керак, акс ҳолда у оддий расмийчиликка айла-ниб кетадди. Бизнинг комму-нистларимиз партия ташки-лотидеги секретарь маош олиб ишлашни керакми, ёки маош олмай ишлашни ке-ракми, деган масалани уларнинг ўзлари ҳал қилишлари ло-зим, деб ҳисоблайдилар.

«Бутун ҳокимият Совет-ларга!» деган ширини амал-га ошириш кераклиги хусу-сида коллективизмининг фикри бир жойдан чиқаётди, деб давом этди нотиқ. Ре-гионлар, шаҳарлар ва киш-лоқларни, иқтисодий ва со-циал ривожлантириш маса-лаларини совет органлари ҳал этмасалар, ким ҳал эти-ши керак? Аммо уй-жой-коммунал ҳўжалиги идора-ларга қарашли бўлмаслиги керак.

Бюрократияни қандай қи-либ йўқ қилиш мумкин? Да-влат корхонаси тўғрисидаги қонунни тўла-тўқис амалга ошириш керак. Шундай қи-линса мустақиллик бўлади, шундай қилинса аппаратнинг катта қисми иқтисодий жи-ҳатдан кераксиз бўлиб қо-лади. Унга фармойиш бера-диган, қимматли қўрсатма-лар берадиган нарсаларнинг ўзи бўлмай қолди.

Қайта қуришга тўқинилик қилаётган сабаблардан яна бири — мустақил тафаккур-нинг йўқлигидир. Бизларни неча ўн йиллар давомиде маъмуриятга ва юқори таш-килотларга кўр-қуруна бўй-суниб принципини асосда яшашга, ўз ўрнини бил-иш-га, уйдаги гапни кўчага олиб чиқмасликка ўргатиб келиш-ти. Шу сабабли биз ҳозир, абстракт қилиб айтилган бўл-сак, бесаранжом шароитда яшамиз.

Сибирь ишчилар синфи-нинг вакили ярим-ёрти ҳў-жалик ҳисоби, ишлаб чиқа-рувчиларнинг монополия тартидаги таъйиқи, техника нархнинг қимматлиги син-гари муаммолар ҳақида га-пирди. Техника нархи унинг техника-иқтисодий қўрсат-кичларига қараганда тезроқ ўсаётди. Нутқда социал та-риқийбининг ҳал этилмаган жиждиқ муаммоларини таҳ-лил қилиш катта ўрин эгал-лади.

Бутун мамлакатда, бўлга-ниде, Ленинград коммуни-стлари, меҳнаткашларнинг сиёсий активлиги юксак граждандлик чўққисига етди, деб таъкидлади КПСС Мар-казий Ревизия комиссия-синг аъзоси, Ленинград об-ласт партия комитетининг иккинчи секретари А. М. Фа-теев. Пингилларда, матбу-отда, мунозара клубларида ва кўнгилли бирлашмаларда позициялар ва фикрлар фа-олилик билан қиселанмоқда, экономикани, социал соҳани жушқин ривожлантиришнинг кенг имкониятлари ва вази-фалари, демократизлашти-риш ва ошқоралик масала-лари манфаатдорлик билан муҳокама қилинаётди. Ле-нинград партия ташкилоти бу жараянларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, уларни қайта қуриш барқарорлиги-нинг гарантларидан бири деб билмоқда. Биз халқимиз-нинг, социализмининг шонли революцион аянчаларига со-диқ бўлиб келидик ва содиқ бўлиб қоламиз.

Биз бугун қайта қуриш-нинг уч йиллик тажрибасига эга бўлган эканмиз, олга ташланаётган ҳар бир қа-дам қанчалик қийин бўлаёт-ганлигини, ўтмиш юки қан-чалик оғир эканлигини қў-

риб турибмиз. Масалан, иқ-тисодий илҳотат бошқариш тармок принципининг барқа-дор консерватизмга дуч келганлиги равшан бўлиб турибди. Ҳозирги ҳўжалик илҳотатининг тақдирини ўт-мишдаги тақдирлар тақдир-ига ўхшаб қолмасмикан, де-ган асосли шўбадаги тугил моқда. Энг асосий ўсишлар янги ҳўжалик меҳанизми-ни жорий этишга оид қарор-ларнинг етарли даражада пухта ўйланмаганлиги, ми-нистрликлар ва идоралар бар-ча ташаббусларга ва почин-ларга зимдан қаршилик қў-рсатаётганлигидир. Нотиқ Ле-нинградда жадаллаштириш-нинг ҳал қилувчи йўналиш-ларида дадил қадам қўйиш-ни таъминлаш керак бўл-ган иккита тармоқларро давлат бирлашмасини тузиш хусусида, шунингдек жаҳон практикасида тенги бўлма-ган голография координат-ўлчов системасини шаҳар корхоналарига ишлаб чиқа-ришни йўлга қўйиш хусу-сида давоқ вақтдан бери санса-лорлик давом этаётганлиги-ни мисол қилиб келтирди. Сўнгра у экология муаммо-ларига катта эътибор берди.

Шу жумладан, Ладога ва Кириши теварағидаги эко-логия проблемалар ҳақида гапириб, вазият ҳолисона илмий-тадиқотқа муҳтож эканлигини қайт қилди. Биз қадрлар психология-сини, уларнинг ишга ва ҳа-ётга муносабатларини ҳам-ма даражаларда қайта қу-ришга иштишга сиёсатини эълон қилиб, қайта қуришга қудратли туртки берди ва партиянинг янги шароитда обрўс олиб бориш ҳақи-даги масалани бошлангич партия ташкилотларининг қўзғуси орқали кўриб чиқиш керак бўлади. КПСС Уста-вига тўла мувофиқ равиш-да улар партиянинг «реал не-дизи бўлиб, умумпартиявий қарорларни қабул қилишда катнашишлари даркор. Про-граммавий йўл-йўриқларни қабул қилишнинг ана шун-дай тартибини қондага ай-дантириш керак. Партия таш-килотлари ва уларнинг сай-лаб қўйилганлигидан органларига коммунистлар ва партиясиз-лар орасидан масъулияти лавозимларга номзодлар қўрсатишда устулик бериш, сайлаб қўйилганлигидан орган-лар ролини ошириш, сайлаб қўйилганлигидан органлар аъзо-лигига кандидатларнинг аҳа-миятини ошириш керак. Ҳо-зир қайта қуришнинг ўзи коммунистларнинг аттестаци-ядан ўтказаетири. Партия-нинг ҳар бир аъзоси асосий нарсаси — сўз ва иш бирли-ги. Ўзгаришларга қўшаётган амалий ҳиссаси билан те-кширилиши лозим.

Нотиқ халқ депутатлари Советларини мустаҳкамлаш, уларнинг молчилиги, юридик мустақиллиги ва масъуля-тини ошириш масалалари у-стида тўхталиб ўтди. Ленинградликлар жамия-тимизни демократизлашти-риш юзасидан, шу жумла-дан, Советларда жамоат таш-килотлари ваколатларини тузиш юзасидан киритилган тақлифларни қўллаб-қув-ватлайдилар ҳамда бу қон-дани маҳаллий ҳокимият ор-ганларига ҳам ёйишни тақ-лиф қилдилар. XIX Бутун-иттифоқ партия конферен-циясида тайёралган ва кон-ференция жараяни жамия-даги принципийли янги го-лий-сийсий вазиятга ас эт-тирди, коммунистларнинг революцион ўзгаришлардан астойдил манфаатдор экан-ликларини тасдиқлади. Шу-нинг ўзиеқ 1985 йил апрел-ида партия бошлаган улкан ишни бундан бўён ҳам ри-вожлантиришга даъват этади.

Марказий аэрогидродина-мика институтини (ЦАГИ) бў-лимнинг бошлиғи делегат Г. И. Загайнов ўз нутқида ҳўжаликни юритишнинг янги шароитида илм-фанини ри-вожлантириш муаммолари-ни устида тўхтади. Бу жараян бир текис бораётгани йўқ. Нотиқнинг фикрича, беш йиллик ланининг бир қатор контрол рақамларига туза-тиш киритиш, балки ҳатто бе-кор қилиш масаласини му-ҳим қадар тезроқ қайта кўриб чиқиш керак. Манкур «ял-пи қўрсаткич» йўлига қаты-

ят билан тўсиқ қўйиш, ор-тичка харажат меҳанизмини, табиий ресурсларни талон-тороқ қилиш практикисини тутатиш керак.

Делегат жамият иқтисодий фаровонлигини баҳолаш-нинг меэонлари — меҳнат унумдорлиги, махсулот тан-нарни ва сифатдан иборат деб ҳисоблайди. Унинг фик-рича, худди ана шу учта қўрсаткич ҳўжалик меҳаниз-ми томонидан рағбатлантири-лиши ва ланининг асосий мақсадини ташкил қилиши керак. Шу муносабат билан делегат академик Л.